



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (11.612)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кеча
«Ўзэкспомарказ» мажмуида «UZENERGYEXPO—2010. Энергетика. Энергия тежамкорлиги. Электротехника» V Халқаро иختисослашган кўргазмаси иш бошлади. Энергетика, электротехника ва электроника тармоқларига мўлжалланган ускуналар, энергия манбаларини тежаш технологиялари, қайта тикланувчан энергия воситалари намойиши уч кун давом этади.



Кўргазмалар

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, энергетика тизими кучли ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимиз иқтисодий мажмуаси ривожиди

энергетик салоҳиятини кучайтириш, истеъмолчиларни ишончли ва сифатли таъминлаш учун тежамкор технологияларни қўллашдир. Жаҳон молиявий-иқтисодий ин-



ЭНЕРГЕТИКА ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

муҳим ўрин тутди. Умумий электр таъминоти республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида ишлаб чиқариш ҳамда инфратизимдаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча соҳалари тараққиёти учун имкон яратиб беради.

Бу йил ўтказилаётган кўргазма экспозицияси «Энергетика», «Соф энергия. Энергия тежамкорлиги», «Электротехника» деб номланган уч йўналишдан иборат бўлиб, соҳа мутахассисларини жалб этишга қаратилган. Тадбирда энергетика ва электроника жиҳозлари, технология ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчилар, маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этиб, эришган ютуқлари, изланиш ва режаларини намойиш этмоқда.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан 2012 йилгача мўлжалланган модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади мамлакатимиз

кирозининг салбий таъсирларини бартараф этиш бўйича Президентимиз қарори ижросини таъминлаш мақсадида компания томонидан етказиб берувчи ва воситачи корхоналарга харажатларни камайитириш ҳисобидан маҳсулотлар таннархини пасайитириш чоралари ишлаб чиқилган. Шунингдек, технологик ва хом ашё сотиб олиш жараёнларини оптималлаштириш, технологик йўқотишларни камайитиришга эътибор қаратилмоқда Шу боис ҳам мазкур соҳага алоқадор кўргазмаларни ўтказишнинг энергетика ва энергияни тежаш, ривожлантириш борасидаги ҳиссаси катта бўлади.

Мутахассислар диққатига энергетика соҳаси олдида турган масалаларни ҳал қилишда кўмак берадиган самарали жиҳозлар ва технологияларни тақдим этилмоқда. Кўргазмада хориж давлатлари ва мамлакатимиздан кўплаб компания ва фирмалар иштирок этмоқда. Украинанинг электр лабораториялар ишлаб чиқарувчи «Харьковэнергоприбор»

МЧЖ, республикамиздан «Ўзбекхиммаш заводи» акциядорлик жамияти, Марказий Осиеда етакчи ишлаб чиқарувчилардан саналган «Деклектро» компанияси, «Электрораппарат-Электроцит» кўшма корхонаси, «Мир Солар» МЧЖ, «Тошкент Центр» МЧЖ хорижий корхонаси ана шулар жумласидан бўлиб, уларнинг маҳсулотлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, «Uzenergyexpo—2010» кўргазмаси доирасида илк бор «Махсус техника», «Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш» санатли лойиҳалари тақдим этилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Кўргазма соҳа мутахассислари учун долзарб масалаларни муҳокама этиш, тажриба алмашиш, охириги технологик янгиликлар билан танишиш, ҳамкорлар топшиш, фойдали шартномалар тузиш имкониятини беради.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.
Ҳакимжон Солихов
олган суратлар



Наврўзи олам яқин

Наврўз шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда диёримизда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам кўча ва майдонларни, хиёбонларни тартибга келтириш, дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг яшил оламини янада бойитишда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бosh бошқармасининг ўз ўрни бор.

Мазкур бошқарма сайёҳаракатлари билан ҳар йили баҳор ва куз ойларида кўча ва истироҳат майдонларига кўплаб манзарали, игнабаргли дарахтлар, бутуно кўчатлар, гуллар экилади. Экинларга обихайёт етказиб бериш, майдон, хиёбон ва кўчалардаги ариқларда сув раvon оқишини таъминлаш учун қарийб 80 канал, 74 насос станцияси, 80 га яқин ер

мирлаш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Дарахтларга шакл берилиб, майдонларга қўшимча гуллар экилмоқда.

Ушбу мавсумда пойтахтимизда 20 миллион дондан зиёд гул, қарийб 200 минг туп дарахт ва бута экиш режалаштирилган.

Гулларни экишга тайёрлашда уларнинг иқлим шароитимизга мослиги, гуллаш даври ва ранги ҳисобга олинади. Айни пайтда иссиқсевар атиргуллар, шунингдек, салқин жойларда ҳам яхши ўсувчи «Сальвия» гулининг ҳар хил турлари пойтахт шохқўчаларига экилмоқда. Бу гуллар эрта баҳордан кеч кузгача очилиб туриши билан ҳам аҳамиятлидир. Голландиядан келтирилган «Петунья» гулининг



ости сув иншооти ишлаб турибди.

— Наврўз байрами арафасида шаҳарни бадий безаш, кўкаламзорлаштириш ва йўл иншоотларини тартибга келтириш ишлари қизгин паллага кирди, — дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш бosh бошқармасининг бошлиғи Саидумар Аглаев. — Ариқ-зовурлар, лотоклар, оқава сув тизимлари ва қудуқлар тозаланиб, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи тартибга келтирилмоқда. Гузарлар, хиёбонлар, жамоат транспорти тўхташ бекатларида тозалаш, таъ-

оқ, қизил, пушти, тарам ва кўк рангли турлари марказий кўча ва майдонларга жозиба бағишлаши табиий. Шунингдек, гулхоналарда уруғидан кўпайтирилаётган маҳаллий гул турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар йўл четларига кенг микёсда экилмоқда. Ходимларимиз ҳар бир гул, бута ва дарахтни алоҳида меҳр, эътибор билан парвардлашлайдилар. Байрам олдидан ўтказилган умумхалқ хашарда жамоамизнинг 11 минг нафардан зиёд ходими фаол иштирок этди.

(ЎЗА)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент тўқимачилик ва енгил санат институти қошидаги Яққасарой академик лицейида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан ўқувчилар,

ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган семинар «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар» деб номланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 152-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар, адиллар, шоирлар иштирокида шоир Искандар Раҳмоннинг «Собит қадам» китоби асосидаги дастур доирасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Баркамол авлод йилига бағишланди.

✓ **БЕКТЕМИР** туманидаги 293-мактабда уюштирилган «Адолат ва ғўзаллик тимсоли» мавзуидаги адабий кечада ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Бухоро ва Наманган вилоят босқичлари бўлиб ўтди.

• Тошкентда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи – 2010» V республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Айтиш керакки, ушбу танловнинг барча босқичларида мамлакатимиздаги 115 та академик лицей ва 1054 та касб-хунар коллежида тахсил олаётган бир миллиондан ортик ўқувчи иштирок этди.

• Наврўз байрами кунларида Навоий вилояти Кармана туманидаги Ҳазора шаҳарчасида янги турар жой мажмуаси қалитлари хонадон соҳибларига топширилади. Ушбу замонавий коттежларнинг қад ростлашида бosh пудратчи — 216-кўча механизациялашган жамланма бригадалари катта ҳисса қўшди.

• Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик жараёнида термизликлар Термиз-Тошкент автомобиль йўли атрофида 72 мингдан ортик мева ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқизишди. Ҳозирда вилоят марказидан бошлаб Ҳаким ат-Термизий мақбарасигача бўлган йўлнинг икки томонини ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган хашарларда 3 мингга яқин киши иштирок этапти.

• Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси қошидаги илмий-методик марказ фотогалереясида республика ҳаваскор сураткашларининг Баркамол авлод йилига бағишланган кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Наманган тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 38 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 228 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир якунига кўра 101 кишига ишга йўлланмалар берилди, коллежларнинг битирувчи курсларида тахсил олаётган 128 нафар ўқувчини ишга жойлаштириш юзасидан ҳўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар имзоланди.

• Бутунжаҳон банкининг Ўзбекистондаги офиси Республика нотижорат ташкилотларини ижтимоий ривожлантириш фонди дастури доирасида грантлар танлови бошланганлигини эълон қилди.



ЖАҲОНДА

• Венесуэла президенти Уго Чавес интернетни тартибга солишга давъат этди. Унинг фикрича, интернет ҳар ким ўйлаганини айтидиган ва хоҳлаганини қилдиган ахборот алмашиш майдони эмас. Шу боис ҳар бир мамлакат интернетда ўз тартиби ва меъёрларини ўрнатиши лозим.

• Германиянинг молия вазири Вольфганг Шойбле «Европа валюта фонд»ини тузишга расмий Берлин тайёр эканлигини билдирди. Мазкур фонд Европа Иттифоқининг банкротлик ёқасига келиб қолган мамлакатларига ёрдам бериш билан шуғулланади. Шойбленинг сўзларига қараганда, фонд энг зарур вақтларда, яъни евроҳудудга хавф туғилган пайтдагина ёрдам кўрсатиши керак.

• Бутунжаҳон банки Арманистонга олти миллион долларлик заём ажратишга қарор қилди.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефть нархининг сезиларли даражада ошганлиги кузатилди.

• Ҳиндистонда педагогика коллежи ўқитувчилари ва талабаларини олиб кетаётган автобуснинг Ражастон штати шимолидаги 20 метр баландликдаги кўприкдан кулаб тушиши натижасида 26 киши ҳалок бўлди, 34 та одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• АҚШнинг шимоли-шарқда юз берган кучли шамол ва тинимсиз ёққан ёмғир туфайли 450 минг аҳоли яшайдиган уйлар электр энергиясиз қолди. Мамлакатнинг Нью-Жерси, Нью-Йорк, Пенсильвания штатларидаги аҳоли пунктларида ҳам электр линиялари узилиб кетди.

• Жаҳондаги энг зўр гольф устаси Тайгер Вудс маълум муддат давом этган танаффусдан сўнг катта спортга қайтишни билдирди. У апрель ойида дастлабки мусобақада қатнашади.

«Ўздавнефтвазгазспекция» шаҳар бўлими жамоаси ҳам режавий ишларни амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда ички бозорни ёнилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирлари изчил йўлга қўйилди. Нефть, газ ва газ конденсатини қайта ишлаш таъминланмоқда, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Авто-транспорт воситаларининг бир қисmini суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш тадбирлари амалга жорий этилиб, хизмат кўрсатиш бўйича кенг тармоқли инфратузилма ташкил қилинди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган 2009 йилда инспекция томонидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида бевосита жойларга чиқиб 1315 та тушунтириш ишлари олиб борилди. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда ҳуқуқий билимларини ошириш нефть-газдан оқилна фойдаланиш, ёнилғини иқтисод қилиш юзасидан 73 та семинар,

Қарор ва ижро

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

Бизни ўраб турган атроф-муҳитнинг тозаллиги, экологик барқарорлик, шубҳасиз, инсон сиҳат-саломатлигининг гаровидир. Пойтахтимизда кейинги пайтларда бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, азим Тошкентимизда автотранспорт воситаларининг сони салмоқли даражада ортгани боис атмосфера ҳавосига машиналардан чиқадиган зарарли моддаларни назорат қилиш мақсадларини кўзлаган ташкилотлар бу борада зарурий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

14 мартаба амалий машғулотлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда 440 нафарга яқин тадбиркор иш-тироки таъминланди, ушбу соҳа бўйича 18 турдаги қўлланмалар тарқатилди.

Хафтанинг жума куни «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинган. Му-

амолари билан мурожаат қилган 126 нафар тадбиркорлар ишлари ижобий ҳал этилди. «Ишонч телефони» орқали 46 та ариза бўйича муаммоли масалалар ечими топилди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, хўжалик юритувчи субъектларни текшириш асосида улар фаолияти-

ни тўхтатиб қўйиш ёки уларга жарима солиш, жазолаш, босим ўтказиш эмас, балки уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш асосий мақсад ва вазифаларимиз сирасига киради. Жорий йил икки ойи давомида тадбиркорлик субъектлари ўртасида 10 та семинар-йиғилиш ўтказилди. Соҳадаги янгилликлар, ибратли тажриба, қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланмоқда.

Шаҳримизда истиқомат қилувчи барча фуқароларни ва хўжалик юритувчи субъектларни ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилишга, исрофгарчиликларга йўл қўймасликка, беҳуда йўқотишларнинг олдини олишга ҳамда шундай ҳолатлар аниқланганда, тегишли мутасадди ташкилотларга зудлик билан мурожаат қилишга чақирамиз.

Баширулло САИДАЗИЗОВ, «Ўздавнефтвазгазспекция» шаҳар бўлими бош технологи

Тиббиёт

КЛИНИКАНИНГ ЯНГИ ШОХОБЧАСИ

Марказий Темир йўл клиник шифохонаси навбатдаги шохобчага эга бўлди. «Ўзбекистон» локомотив депосида янги очилган бу шифохонада тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар муҳайё қилинди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси тасарруфида ўз фаолиятини бошлаган бу шифохона масканда эндиликда машинист ва уларнинг ёрдамчилари ўз саломатликларини мустаҳкамлайди. Хар бир темирйўлчини синчковлик билан тиббий кўриқдан ўтказишда замонавий аппаратлардан фойдаланмоқда. Улар учун махсус картотекалар очилиб, кўриқдан ўтганлар соғликлари ҳамда тест натижалари қайд этиб борилади. Тиббий кўрик назоратларини компьютерлаштириш ҳамда амалга ошириш ҳам йўлга қўйилди. Янги шифохонанинг очилиши компания соғлиқни сақлаш хизматида ўзига хос муҳим амалиёт деб баҳоланмоқда.

ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида тиббиёт тизимида ҳам кўплай тадбирлар амалга оширилаёттир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги тайёрланган йўриқномага мувофиқ соғлом ёшликни таъминлаш, оилада тиббий маданиятни тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Уюштирилган «Соғлом турмуш тарзи ҳамда соғлом овқатланиш» ҳафталикларида шифокорлар ва ёшлар ўртасида давра суҳбатлари ташкил этилади. Шаҳар ва туманларда, жумладан ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинида кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда мунтазам равишда ҳудуддаги аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш давом эттирилади. Клиникаларда замонавий тиббиёт технологияларини татбиқ қилиш бўйича ўқитиш жараёнлари амалга оширилади.

Таълим

МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАШҒУЛОТЛАР

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти қошидаги Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўл марказида уюштирилаётган ўқув машғулоти замонавий фан-техника ютуқлари асосида ташкил этилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик темир йўл давлат компанияси таркибидagi корхоналар мутахассислари таълимий жараёнларда қатнашиб, бой тажриба орттирмоқдалар. Марказда янги ташкил этилган Тошкент локомотив машинистлари техник мактаби ҳам билим ва малака ошириш масканига айланиб қолди. «Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика кафедраси олимлари томонидан олиб борилаётган ўқув машғулотларига ҳам қўшимча ортиб бормоқда. Марказда кўчама ўқув машғулотларини корхоналарнинг ўзида уюштириш ҳам кўзда тутилди.

МУЛЬТИМЕДИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА

Тошкент Ахборот технологиялари университети ахборот технологиялари маркази томонидан яратилган мультимедияли интерактив ўргатувчи дастурий мажмуа энг яхши ишланма янглиг таълим жараёнига татбиқ қилинди. Унинг ўзига хос жиҳатлари бор, албатта. Мажмуа замонавий мультимедия технологиялари бўйича юзага келганлиги билан ажралиб туради.

Тинловчиларга мустақил равишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни ҳосил қилишда аниқса қўл келади. Мажмуа орқали танланган машғулотни изоҳли, тасвирли, тўвешли ва анимацияли кўринишда намойиш этишга эришиш мумкин. Машғулотлар ўзбек тилидаги лотин алифбосида олиб борилади. Учинчи инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмарқасига тақдим этилган мазкур таълимий восита университетнинг вилоятлардаги филиалларида ҳам оммалаштирилди.

ОЧИҚ ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан «Очиқ дарслар фестивали» дастури ишлаб чиқилди ва шунга асосан мактабларда «Очиқ дарслар» ўтказилмоқда.

Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш, педагогик маҳоратни намойиш қилишда ўзига хос маърифий жараёнга айланган бу фестиваль якунида ғолиблар аниқланади. Уларнинг қўлга кiritилган ютуқлари республика таълим маркази томонидан оммалаштирилиб, муносиб рағбатлантирилади. Акбар АЛИЕВ

Иқтисодиёт

ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги таъриҳий таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоиз, жумладан, тўғридан-тўғри киритилган сармоя ҳажми 1,8 баробар ошди. Аини вақтда Ўзбекистон нафақат ички бозорни ривожлантиряпти, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини тобора кенгайтирмоқда.

Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Жадал давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни чет эллик сармоядорларнинг мамлакатимизга қизиқишини тобора оширмоқда. «Сувмаш» очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ҳамкорлигининг амалдаги самараларидандир.

«Сувмаш» илгор технологиялар асосида ҳар хил ўлчам ва турдаги

насос ускуналари ва агрегатлар ишлаб чиқариш ва таъмирлашга ихтисослашган. Бу ерда тайёрланадиган қирқдан зиёд турдаги насос ускуналари ва агрегатлардан қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, тоғ-кон металлургия, коммунал хўжалик ва кўчаларни тозалаш ишларида кенг фойдаланилади. Бошқариш осон ва қулай бўлган бу маҳсулотлар юқори сифати, халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериши ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Улар барча зарур сертификатларга эга, ISO

9001:2008 халқаро стандартига мос.

Айни пайтда 350 киши меҳнат қилаётган «Сувмаш»да ишлаб чиқариш қамрови йил сайин кенгайиб, маҳсулот турлари кўпайиб бораёттир. Корхона ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорда ҳам фаол иш юритмоқда. Унинг маҳсулотлари ўндан ортик мамлакатта экспорт қилинаёттир.

Маҳсулотларига талаб катта бўлгани туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда.

— Корхонамиз маҳаллийлаштириш дастурига киритилганидан сўнг имкониятларимиз кўлами янада кенгайди, — дейди ЎЗА муҳбирига «Сувмаш» очик акциядорлик жамияти ижрочи директори Игорь Пророков. — Бу дастур доирасида фаолият юритиш бизга катта миқдорда хорижий валюта ни тежаш, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тармоқлараро ҳамкорликни кенгайтириш имконини бермоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик учун яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар муваффақиятларимиз омил бўлмоқда. Асосий мақсадимиз — ана шу қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтиришдан иборат.

Ирода УМАРОВА

Кўргазмалар

ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, БМТнинг юртимиздаги ваколатхонаси ва «Экономическое обозрение» журнали тахририяти ҳамкорлигида «Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги. Маданият ва тараққиёт» бешинчи аънанавий фотокўргазмаси ташкил этилди.

ушбу кўргазмада хорижлик меҳмонлар — турли соҳа вакиллари, ўқитувчилар, олимлар, дипломатик корпус вакиллари қадимий шаҳарларимиз, табиати, самимий ва меҳнатсевар одамларимиз акс эттирилган икки юздан зиёд энг сара фотосурати томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Аҳмад Ражаб Ризқ — Мисрдаги Қоҳира университетининг меъморчилик, археология бўйича профессор-ўқитувчиси. Мазкур кўргазмада Самарқанд, Бухоро каби кўча шаҳарлар манзаралари, қадимий ёдгорликлар акс эт-

тирилган йиғирмага яқин фотосурати билан иштирок этмоқда. Унинг айтишича, Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти ҳақида ушбу табаррук заминда олган таассуротлари дастлабки тасаввурларини янада бойитган.

Кўргазмада ҳиндистонлик Танежа Арун, россиялик Станислав Магай, эстониялик Анжелика Рик, эронлик Хамид Ризо Анварий каби хорижлик ҳаваскор фотожодкорларнинг юртимиз ҳақидаги таассуротлари акс эттирилган суратлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа Алексей Попов олган сурат

Тадбирлар

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Маълумки, юртимизда ёш авлодни юксак маънавиятли, теран тафаккурли, соғлом, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилган.

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида «Оила — жамият таянчи» мавзуда ўтказилган тадбир ҳам ёшларни ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, туман Маънавият тарғибот маркази, тиббиёт бирлашмаси, оила маркази ва ФХДБ бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ёш оила қурувчилар мактабининг ушбу машғулотида «Оила-

нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари», «Оила муқаддас ва бирламчи тарбия маскани», «Вояга етмаганлар орасида диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш», «Комил инсонни тарбиялашда буюк сиймоларнинг роли» мавзуларида соҳа мутахассислари сўзга чиқиб, атрофича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ёшларимизни она Ватанга муҳаббатли, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, буюк

қадриятларимиз, оила аталмиш муқаддас маскани қадрлаб, асраб-авайлайдиган этиб тарбиялашга қаратилган тадбирларни мунтазам равишда ўқув юртлари ва маҳаллаларда ўтказиб келмоқдамиз, — дейди туман ФХДБ бўлими мудираси Марҳаматхон Йўлдошева. — Уларда қатнашаётган ўз соҳасининг билимдонлари — психолог, шифокор, ҳуқуқшуносу ўқитувчилар керакли маслаҳат ва тавсияларни бериб бормоқдалар. Мақсад — ёш авлод олдидаги масъулиятни чуқур тушушунда эрта таълимга муносиб издошларни тарбиялашга ҳисса қўшишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибат, хайру саховатга инсоний фазилатнинг ажралмас қисми сифатида алоҳида эътибор кўрсатиб келган. Алоҳида кўмакка муҳтож, ўзгалар ёрдамига илҳақ қалб соҳиблари меҳри дарё инсонлар рағбатидан баҳраманд бўлган.

САҲОВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши томонидан амалга оширилаётган фаолиятга назар ташлайдиган бўлсак, ана шундай миллий қадриятлар билан узвий боғлиқликни кўришимиз мумкин.

Маълумки, Қизил Ярим Ой жамияти ўз олдига боқувчисини йўқотган, ногирон кексаларга меҳр-шафқат кўрсатиш, ёшлар билан ишлаш, қидирув фаолияти билан шуғулланиш, фавқуллода вазиятларда яқиндан кўмак беришни мақсад қилиб қўйган бўлиб, соҳа доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунларни жамият ҳаётига жорий этиш сингари масалалар доирасида фаолият юритади.

Куни кеча туман тиббиёт бирлашмасида ўтказилган хайрия тадбирида сўз олган Қизил Ярим Ой жамия-

ти Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши раиси Анара Иргашева, тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Баҳодир Дадамўхамедов ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоғи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Кам таъминланган, ёлғиз қарияларга, кўп болали оилаларга доридармон ҳамда тиббиёт воситаларини тарқатиш хайрия акцияси ўтказилди.

— Биз бугунги тадбирнинг ўтказилишидан беҳад мамнунмиз, — дейди тадбирда қатнашган Муҳаббат Мирсағатова. — Ўйламанки, бу каби хайрия акциялари Баркамол авлод йилида янада кўпроқ ўтказилади. Хидирали ПАНЖИЕВ



Наврўзи олам яқин

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Халқимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўз айёми арафасида юртимиз ўзгача кўрку тароват касб этмоқда. Ям-яшил тусга кирган қир-адирлар, ораста хиёбонлар кишининг баҳри дилини очди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган замонавий иншоотлар, хушманзара масканлардан кўзингиз қувнайди. Қаерга борманг бунёдкорлик, ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз.

давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари кўмағидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан про-

лада бирорта ҳам хижоат содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг далилидир.

Маҳалла иқтимоий-сўбсий ҳаётимизда, мамлакатимизни демократик янгилашга қаратилган ис-


сбонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳиси вакиллари иштирокида аҳолини оғоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётди.

Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларидан бири — фуқароларнинг паспорт-виза қирдаларига амал қилишини таъминлашдан иборат. Бу борада фуқароларни доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш ҳолатларини аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикамиз ҳудудидида бўлиш қирдаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинган. Паспорт-виза қирдаларига амал қилишини таъминлаш бўйича ўтказилган текширувлар давомида 42 миң 762 маъмурий қирдабузарлик аниқланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўша мажлисидаги маърузасида ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Турли мафқуравий хуружлар ёшлар онги ва маънавиятига таҳдид қилаётгани ҳар биримиздан доимо хушёр ва оғоҳ бўлишни талаб этади. Айниқса, ёшларимизни гивандлик балосидан асраш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик ҳамжиҳатлигида ўтказилаётган тартибот-тушунтириш тадбирларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратилиб, амалга оширилаётган ушбу бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва оқсоқолчилик, Ватан раванга ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасидаги кенг кўламли ишлар бераётган юксак самараларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Юрт тинчлиги — улғун нўмат, барқарор тараққиёт гаровидир. Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз оруз-интилишлари, эзгу ниятлари рўйга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик ҳукми бўлган мамлакатдаги тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади. Бу олижаноб мақсад ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, айни ҳолда ҳар бир юртдошимиздан хушёр ва оғоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади. Бу Наврўз умумхалқ байрами шодийналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, оқсоқилга, юксак савидада ўтишига хизмат қилади.

Бехзод НОРБОВ, УИА



филантика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани аҳоли тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилаётди. Бугунги кунда юртимизда 3,5 миңдан зиёд миллиония таянч пункти фаолият юртимокда. Соҳа инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожлантирилмоқда. Миллиония таянч пункти ҳузурида маҳалланинг барча қатламиди ўзига жалб этувчи тадбирлардан ташқари кичик бизнес шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш ва спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. 2009 йилда 2740 маҳал-

лохотлари чуқурлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутди. Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, иқтимоий соҳанинг самарали фаолият юритилишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлашга қўйлаётган хисоси тобора кучайиб бормоқда.

Тинчлик, оқсоқилчилик, ҳамжиҳатлик, аввало, оиладан, маҳалладан бошланади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, ҳар бир кишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла по-

жойлари аниқланди. Шаҳарча ободонлаштириш бошқармаси ташаббуси билан ландшафт дизайни асосида 500 миңг туп турфа хилдаги гуллар экилиши режалаштирилган. Ҳозиргача, ҳудудга 30 миңдан зиёд атиргул кўчатлари экилди.

— Айниқса йўл четлари, хиёбонлар, корхона ва ташкилотлар, ўқув юртларида мева ва манзарали кўчатлар ўтказиш, ободонлаштиришга бу йил алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Исроиил Худойбердиев. — Баркамол авлод йилида янги-янги боғлар, иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Мактаб, коллеж ва бошқа олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар ҳудудидида бир қарич бўш жой қолмайди. Шунингдек, кат-

та йўл ёқалари ва атрофида янги-янги гулзорлар барпо этилмоқда. Бу ишларда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси ва Тошкент маданият коллежи ўқувчилари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Айниқса, талабалар турар жойлари ҳамда ариқ-зорларни тозалаш ишлари зўр уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ҳашардан тушган маблағ ҳудуддаги муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган хайрли тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

Энг муҳими, ҳашардан тушган маблағ ҳудуддаги муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган хайрли тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

Санъат МАКТАБ САҲНАСИ УСТАСИ

«Олтин калит» ўқувчилар театри репертуари янги саҳна асарлари билан бойиб бормоқда.

Мақкур жамоа томонидан тақдим қилинаётган спектакллар бошқа мактаб саҳналарида ҳам намойиш қилинмоқда. «Театр баҳори—2009» ёшлар фестивалида «Олтин калит» махсус диплом билан тақдирланди. Айни кунларда ижодий жамоа янги кўвчоқ постановка устида иш олиб бормоқда.

Ақбар АКБАРОВ

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси қошида янги «Ёш мусиқачилар бирлашмаси» ташкил топди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев шундай дейди:

— Мамлакатимизда мусиқа соҳасида қўллаб-қўлланган кўлга киритилмоқда. Жаҳон саҳналарида ўзбек кўй ва кўшикларининг кундан-кунга нуфузи ошиб боришида мусиқашуносларимизнинг улкан хисоси бор. Айниқса, ёшларимиз эришаётган ютуқлар таҳсинга сазовордир. Уларни бугунги кунда бутун дунё тингламоқда. Ташкил этилган янги бирлашма ҳам эзгулик йўлида ташланган кўлгун қадам ҳисобланади. Унга ёш иқтидорли қизимиз Инобат Камолова бошчилик қилмоқда. Асосан ёшлардан ташкил топган бирлашма янги истеъдодларни кашф қилиш, уларнинг иқтидорларини юзага чиқаришда кўмак бериб бориш, ёш юлдузлар концерт дастурларини уюштириш каби вазифаларни ўз зиммасига олади. Юртимизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Ишонимизки, хайрли ниятлар билан иш бошлаган гуруҳ мусиқа соҳасида ўзига хос янгиликлар яратиб, халқимиз олқишига сазовор бўлади.

ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ

Айни кунларда Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабалар ўртасида «Энг яхши хор асари учун» танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтмоқда.

— Баркамол авлод йили муносабати билан, ташкил қилинган ушбу танлов келажакда ўз самарасини беради, — дейди ҳайъат аъзоси бастакор Ойдин Абдуллаева. — Танловнинг илк босқичи январь ойида бўлиб ўтган эди. Ушбу йўналишда талаба-бастакорлар қаламига мансуб энг яхши хор асарлари аниқланди. Наира Шарафиева, Африда Ҳақимова бошчилигидаги ҳайъат раислари ва иқтидорли бастакорлар Хуршида Ҳасанова, Дилноза Зокировалардан ташкил топган ҳакамлар талабаларни ўз иқтидорига қараб баҳолаб бормоқда. Бугунги истеъдодли талаба, эртанги куннинг эркин қолдузи бўлиши мумкин. Бунинг учун эса изланиш, интилиш ва меҳнат қилиш керак. Шунинг баробарида устозлар заҳмати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Танловни ташкил этишдан мақсад ҳам ёшлар камолоти, етуш мусиқий асарлар яратиш ва уларни жаҳон миқёсига олиб чиқишдан иборатдир.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

Фан ЯНГИ МАТЕМАТИК МОДЕЛ

Ҳуқуқий экологик мувозанатни тиклаш ва сақлаб қолишда суғориладиган деҳқончилик муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Фанлар академияси сув муаммолари институти олимларининг ушбу муаммони ижобий ҳал этиш йўлида олиб бораётган изланишлари самараси ўлароқ қатор янги технологиялар яратилди.

Илимий муассасанинг гидрология ва гидротехника лабораторияси тавсия этган лойиҳадан сув захираларини муҳофаза қилишда қўл келмоқда. Сув ва шамол таъсирида тупроқ емирилиши, дарё гидравликаси ва динамика ўзгаришга доир тадқиқот эса босмага тайёрланди, шунингдек, янги математик модел юзага келди.

ҲАМ ХОМАШЁ, ҲАМ ДОРИВОР

Ўзбекистон Фанлар академияси биоорганик кимё институти олимлари Марказий Осиёда ушбу йўналишда самарали изланишлар олиб бораётган ягона тадқиқот ўчоғи саналади.

Бу ерда хайвонот, ўсимликлар биоорганик кимёси ҳамда уларнинг иккиламлик ҳосилдорларини қайта ишлаш технологиясини яратиб бўйича ҳам самарадорликка эришилмоқда. Ўсимликларни химия қилишнинг экологик тоза воситаларини ҳосил қилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Кейинги йилларда институтида янги, юқори фаолликка эга бўлган рақобатбардош доривор воситаларнинг бир неча истиқболли турлари яратилди ҳамда улар тиббиёт амалиётига татбиқ қилинди. Эндиликда тадқиқотлар натижалари ёғ-мой, озиқ-овқат ва пахта тозалаш саноятларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ

МЧЖ «ПРОФИ ПЛАСТ ИНВЕСТ ПЛЮС» ИНН 301140348 таъсисчиси чиқиб кетиши сабабли жамият устав фондининг 211 000 000 сўмдан 106 000 000 сўмгача камайганини эълон қилади.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Орзиқиб кутилган — Наврўзи олам тобора яқинлашмоқда. Байрамни муносиб кутиб олиш борасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

Шаҳарча жамоаси қадимий ва миллий қадриятларимизни ўзида жам этган Наврўзга тайёргарлик кўриш, уни ҳар томонлама юксак даражада, уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди.

Бугун республикамизда давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳарча ҳудудидида ҳам кенг кўламли олиб боришмоқда. Наврўз арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида умумхалқ ҳашарида талабалар ҳам муносиб иштирок

эти. Ҳашар баҳона «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидида янги гулзор ва хиёбонлар барпо этилди, ариқлар тозаланди, йўллар раванлашди, маҳаллаю кўчалар янгича чиroy ошди.

Шаҳарча ҳудудидида ободонлаштириш ишлари олдинроқ бошланди. Ҳашарда 30 миңгача яқин ўқувчи-талаба ҳамда 10 миңдан ортиқ профессор-ўқитувчилар зорув ва ариқларни тозалаш, дарактларни оқлаш, чиқиндиларни чиқариб ташлаш ишларини ба-жарди.

Ун кун муддатда шаҳарча ҳудудидидаги асосий кўчалар, мавзео, майдон ва хиёбонлар хатловдан ўтказилиб, гул кўчатларини экиш

653 гектардан зиёд майдонга эга шаҳарча ҳудудидидаги ўн бешта маҳаллада яқинлашиб келаётган айём муносабати билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳашарда ёшлар томонидан 100 миңдан зиёд игна баргли дарахтлар парваришланиб, 30 миңдан ортиқ буталарга шакл берилди.

Ун кун муддатда шаҳарча ҳудудидидаги асосий кўчалар, мавзео, майдон ва хиёбонлар хатловдан ўтказилиб, гул кўчатларини экиш

ТИББИЙ КЎРИК ҲАФТАЛИГИ

Маълумки, оиланинг мустаҳкамлиги кўпгина омилларга, шу жумладан фарзандларнинг саломатлигига боғлиқдир. Она соғлом бўлсагина, жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу боис қизларнинг боалик даврида репродуктив саломатлигига катта аҳамият бериш зарур.

Бугунги кунда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш энг асосий вазифалардан саналади. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишдаги ишларни яна ҳам жонлантирди. Мақкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган турли хил тадбирлар, мутахассислар билан давра суҳбатлари айниқса диққатга сазовор бўлмоқда.

Яқинда Яқкасарой тумани кўптармоқли марказий поликлиникаси томонидан диспансеризация ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик доирасида туманда истиқомат қилувчи туғиш ёшидаги аёлларни ҳамда болаларни диспансеризация кўригидан ўтказиш учун тор соҳа мутахассислари жалб этилди. Педиатрия илмий тадқиқот институти, шаҳар онкология диспансери шифокорлари аёллар ва болаларни УЗИ, ЭКГ, эхокардиография, электроэнцефалография, рентгенография сингаги аппаратлар ёрдамида тиббий кўриқдан ўтказди.

Туманда 114 миң аҳоли истиқомат қилади, улардан 31 миңдан зиёдини туғиш ёшидаги аёллар, деярли 33 миңини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, — дейди марказий поликлиника бош шифокори ўринбосари Раъно Носирова. — Аҳолига 4 та оилавий поликлиника хизмат кўрсатиб келмоқда. Диспансеризация ҳафталиги фаол ўтказилди дейиш мумкин. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик-

да аҳоли орасида ушбу ҳафталикнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Асосий мақсад аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказиб, уларни соғломлаштириш ишларини сифатий олиб бориш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу тадбир аҳоли ўртасида соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш, ёшларда соғлом ва фаровон оила яратишга, соғлом ҳаёт тарзини юритишга бўлган интилишни шакллантиришга қаратилган.

Гулором ҲАМИДОВА СУРАТДА: диспансеризация ҳафталигидан лавҳа.



Пойтахтимизда Бутун жаҳон сув кунига бағишланган «Тоза сув-соғлом дунё учун» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамда Британия Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжуманида БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вазирлар

қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, атроф-муҳит муҳофазаси ва экология соҳасига қаратилган эътибор ҳақида гапирар экан, сув ресурсларини тежаш ҳамда барқарор ривожланишда чучук сувнинг

бўлган 11 та ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларни ифлосланшидан муҳофаза қилиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Экосан» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар филиали раҳбари Ко-

милжон Жўраев. — Бугунги кунга қадар Орол денгизи ҳавзасидаги дарёлар сувини муҳофаза қилиш ва минтақалардан экологик потенциал хавфи объектларни чиқариш ишлари давом эттириляпти. Энг муҳими, ҳозирги вақтда 6 та дарё сувини муҳофаза қилиш минтақасидан 140 та, Сирдарё минтақасидан 34 ва Амурдарёдан 21 та объектни чиқариш ишлари жорий йилда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад, сув ресурсларининг мамлакатимизда барқарор ривожланишида тугган ўрнини янада кенгайтириш, сувни тежаш ишларини кенг омма эътиборига етказиб бериш ҳамда мамлакатимиздаги ер усти ва оқова сувлар мониторинг натижалари ва унинг ривожланиш истиқболларини тарғиб этишдан иборат.

ТОЗА СУВ — СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

хонаси, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ходимлари, сув ҳавзалари назорати органлари, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг соҳадаги илмий-тектириш институтлари мутахассислари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирок этди.

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш халқро мийқосда глобал муаммага айланган. Шу сабаб, 1992 йили БМТ ташаббуси билан Рио де Жанейро шаҳрида «Атроф-муҳит ва тараққиёт» мавзусида ўтказилган семинарда 22 мартни Бутунжаҳон сув кунини сифатида нишонлаш таклифи қабул қилинди. Бу сана мамлакатимизда ҳам ҳар йили нишонланади. Жумладан, соҳа мутахассислари иштирокида турли учрашув ва семинарлар ўтказилади.

Анжуманда сўзга чиққан Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров бугунги кунда табиати муҳофаза

аҳамияти хусусида алоҳида тўхтади. Матбуот анжуманида жаҳонда чучук сувни ишлаштириш ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани, айни пайтда кўп мамлакатлар аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган асосий эътибонини қондириш ва экотизимларининг барқарорлигини сақлаш учун зарур сув таъминотида учраётган муаммолар бўйича тўхтади. Сувга оид далилларга кўра, чучук сув захирасининг 70-90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда экинларни етиштириш учун ишлатилади. Кундалик эътибон қондириш учун эса аҳоли жон бошига кўнига 50 литр сув керак бўларкан.

— Мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи 8 та дарёлар, жумладан, Қашқадарь, Чирчиқ, Сурхондарё, Зарафшон, Қорадарё, Норин, Амурдарё ва Сирдарё ҳамда республика аҳамиятига эга

Танловлар

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
ЛОЙИХА**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими томонидан Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси филиали билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида шахмат-шашка бўйича кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди.

Бундай кўрик-танловларни ўтказишдан мақсад ёшларни маънавий етуқ, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, ёшлар орасидан истеъдод эгаларини танлаб олиш ва



Мухайё ТўЛАГАНОВА

ўз иқтидорларини намоён этишлари, салоҳиятларини оширишларига кўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдир.

Шашка — бу ақлий тезкорликни талаб этадиган ўйиндир. У фақатгина спорт тури ёки қизикари ўйин бўлишдан ташқари самарали ҳордиқ тури ҳамдир.

Шахмат эса инсониятнинг буюк ихтироси бўлиб, бу ўйинга донишмандлар асос солган. Бу спорт тури ақлдан тўғри фойдаланишга чорлайди.

Мусобақада муассаса, корхона, ташкилот ҳамда маҳаллалардан вакиллар иштирок этди.

Мазкур лойиҳа ўқувчи-ёшларнинг билим-салоҳиятини оширибгина қолмай, уларнинг интеллектуал қобилиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.



Сени соғиндик, Наврўз!

Санъат

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

«Ўзбекино» Миллий агентлигида 2009 йилда давлат буюртмаси асосида суратга олинган бадий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар сарҳисоби ҳамда жорий йилда режалаштирилаётган ишларга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

«Сўнгги лаҳза», «Ўғри» бадий видеофильмларини суратга олиш ишлари якунланди.

— Ўтган йили 15 та тўла метражли бадий кинофильмларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар олиб борилди. «Ўзбекфильм» киностудиясининг мультфильмлар ижоди бирлашмасида 9 номдаги 11 қисмдан иборат мультфильм суратга олинди, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Шуҳрат Ризаев. — Республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильм-

лар киностудияси, «Қорақалпоқ-фильм» ва бошқа студияларда 60 дан ортиқ ҳужжатли фильм суратга олинди. Мазкур фильмлар ҳақида шуни айтиш керакки, ҳар бир фильм ўзига хослиги, жанри, мавзуси ва ғоясининг долзарблиги билан ажралиб туради. Бироқ ижобий кўринишлар билан бир қаторда камчилик, сохталик, мавҳумликларга ҳам дуч келинмоқда. Айрим фильмларда муҳаррир иши якунига етказилмаган. Актерларнинг бири шевада, яна бири адабий

тилда сўзлашаётгани томошабин кайфиятига таъсир ўтказди.

Баҳс-мунозара, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган анжуман моҳиятан актёрлар, режиссёрларнинг бир йиллик меҳнати маҳсулини таҳлил қилишдан иборат бўлди. Таъдбир якунида келгусида камчиликлардан холи фильмлар яратишга, уни бой тажрибалар билан бойитиш, ўзбек миллий кино санъатини янада юксалтиришга келишиб олинди.

Дилором ИКРОМОВА

Спорт янгилклари

ҲАМЮРТИМИЗ — ҚИТЪАДА ТЕНГСИЗ

Эрон пойтахти Техронда 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Шуниси қувонарлики, унда мамлакатимиз шарафини химоя қилган ёш чарм кўлқоп усталари муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга 1 та олтин, 2 тадан кумуш ва бронза медаллари билан қайтишди. Жумладан, турнирда

69 килограммгача бўлган вазнда иштирок этган Аҳмаджон Мамажонов барча рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини исботлаб, Осиё чемпиони номини кўлга киритди. Ўз вазн тоифаларида Бургут

Ҳожибоев ҳамда Ақромжон Мамажоновларга Осиё чемпионатининг кумуш медаллари насиб этган бўлса, Сардорбек Бегалиев ва Бобуржон Содиковлар бронза медаллари билан кифояланишди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1.Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 25.11.2009 йилдаги № 1-4021/09-сон ижро ҳужжатида асосан Таджиёв Орифжон Махмудовичга тегишли умумий ер участкасининг майдони 602 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 328.82 кв., умумий фойдаланиш майдони 186.48 кв.м., яшаш майдони 103.44 кв.м., асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 7 та, яшаш хоналари 5 та дан иборат бўлган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Самарабону 4-тор қўчасида жойлашган 12-уй (ҳовли) кўйилмоқда. Бошланғич нархи — 180 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йил 21 апрель кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлар диққатига!

Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 21 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 7 май кuni бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали ҳисоб рақамига 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С.Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога кўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003

Унда киноижодкорлар, киношунос, санъатшунослар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Айтиш жоизки, «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан суратга олинган бадий ва ҳужжатли фильмларда мустақилликни тараннум этишга, уни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилиши билан бирга, истиқлол йилларида юртимизда кечаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари ҳамда фидойи инсонлар меҳнати ҳам ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда кинорежиссёрлар қадриятларимизга хос урф-одат, анъаналар билан йўғрилган қатор фильмлар устида изланмоқдалар. Агентлик тизимидаги киностудияларда ҳамда хусусий студияларда давлат буюртмаси асосида ишланган «Таҳдид», «Нариги соҳилда қолган болалик», «Илова» бадий кинофильмлари, «Абадиги чархи», «Уқубат», «Тузоқ», «Аросат»,

Германиянинг Грайсфельд шаҳрида йигирма ёшгача бўлган спортчилар иштирокида дзюдо бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари тўртта олтин, иккита кумуш ва бешта бронза, жами ўн битта медал жамғарди.

ЁШ СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Истеъдодли спортчиларимиздан Артём Штурбабин, Мурод Йўлдошев, Ҳожиакбар Олимов ҳамда Сарвар Шомуродов ўз вазн тоифасида барча учрашувларда зафар кучиб, шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. Рамз Абдуллаев ва Миршод Оқмуродов кумуш медал билан тақдирланди.

Учинчи ўринни эгаллаган ҳамюртларимиздан Улуғбек Паёнов, Шерали Рашидов, Муароб Мавлонов, Ҳайит Темиров ва Жўрабек Нейматовга бронза медал топирилди.

Ёш боксчиларимиз ҳам мухлис мутахассисларимиз ишончини оқлади. Эрон пойтахти Техрон шаҳрида 1992-1993 йилларда туғилган боксчилар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида тажрибали мураббийлар — Марат Қурбонов ва Ҳамид Тангрибергенов шогирдларидан беш нафари совриндорлар қаторидан жой олди.

Йигирма давлатдан 140 нафар боксчи иштирок этган қитъа биринчилигида олтин тўққиз килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Аҳмад Мамажонов ўзини кўрсатди. Мус-

таҳам химоя, кучли техника ва тезкор зарбага эга умидли боксчимиз япониялик Саижо Такая, ҳиндистонлик Кишан Тапа ва эронлик Мустафо Ҳемияни мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи баҳсда туркманистонлик Нурсаҳат Пазиёвдан ҳар томонлама устунигини исботлаган Аҳмад Мамажонов Осиё чемпиони бўлди.

Ўзбекистон биринчилиги ғолиби Бургутбек Ҳожибоев Шри-Ланкадан келган Херат Ранга, Хитой Тайпейи вакили Юче Лин ва мезбон боксчи Армин Амжадиёни енгиб, кумуш медални кўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан Ақром Мамажонов ҳам суриялик Абдурахмон Ал-Оний ва эронлик Саид Хусайнийга қарши ўтказилган жанглири муваффақиятли якунлаб, шохсупанинг иккинчи погонасига кўтарилди.

Ёшлар ўртасида мамлакатимиз чемпионолари — Сардорбек Бегалиев ҳамда Бобур Содиков бронза медални кўлга киритди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4721 нухсала босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Оз-Оз ўрганиб
Домо бўлур**

**МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ДЕҲҚОНЛАРНИНГ НИЯТИ
БАЁНИДА**

Деҳқоно, ният тузуб сочғил уруқ,
Сочса ниятни тузуб қолмас қуруқ.

Қилса деҳқон яхши
ниятни давом,
Ўқумас ҳаргиз хусули вассалом.

Бадният бирла агар сочсанг уруқ,
Бўлмагай ҳаргиз хусул,
қолгунг қуруқ.

Бадниятдин нозу неъмат
кам бўлур,
Бўлғони бирла бировга ем бўлур.

Деҳқоно, кўб ошу нон бер бериё,
Бериё қилган ишинг
бўлғай паноҳ.

Бериё берсанг агар кўб ошу нон,
Бўлғасен дўзах азобидин омон.

Раъйи ул деҳқонки, нон
бергай бериё,
Бўлғай ул маҳшар кунда рўсиёх.

Деҳқоно, умр ўтти бадният била,
Фисқ ила умр ўтти бадният била.

Қилса деҳқон бу насиҳатни қабул,
Олғай ул бир донга ўн бир хусул.

**ФИТНАНИНГ ЁМОНЛИГИ
ҲАҚИДА**

Фитна қилмоқ хуни
ноҳақдин ёмон,
Фитначи бўлмас
жаҳаннамдин омон.

Хуни ноҳақ фитнадин
пайдо бўлур,
Фитнадин оламда кўб гавго бўлур.

Қилса фитна ошкоро ё ниҳон,
Қолғай ул дўзах ичида жовидон.

Ушбу олам фитнадин
бўлғай хароб,
Фитнадин кўброқ киши
кўргай зиён.

Фитнадин юз оврус
рахмат йиғар,
Фитнани дўст тутса кўб
лаънат йиғар.

Кимки юрса фитнадин
ҳар дам қочиб,
Жаннат ул-фирдавс анга
бўлғай насиб.

Фитнани тарк этса
иззатлик бўлур,
Ўрни шул соатда
жаннатлик бўлур.

(Давоми бор)
Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва
Мавжуда РАЗЗОҚОВА
тайёрлаган